

HEALING PROPERTIES, PESTS AND MEASURES OF CHILAN JIYA IN SURKHANDARYA REGION

An Akbutaev

Candidate of Philological Sciences, Senior Lecturer. Termez Institute of Agrotechnology and Innovative Development, Department of Plant Protection, Agrochemistry and Agrotechnology

A. Bektovov

Is A Student of The 4th Stage of Education in the Organization and Conduct of The Greenhouse. Medicinal Properties and Pests Of Chilanda Plant Were Studied At The Denov Experimental Farm Of The Uzbek Scientific Research Institute of Horticulture and Viticulture Named After Academician Mahmud Mirzayev.

ANNOTATION

This article is written by medicinal properties of unabi, as well as the conditions of the southern region of Uzbekistan, the measures are taken.

The article describes the medicinal properties of the plant snake ji (unabi) in the southern region of Uzbekistan, its pest control measures.

Keywords. Eggplants, chelen, annab jiida, chechan, rutin substance, hypertonic, dilates blood vessels, qiyam, viruses, antiseptic, carotene, atherosclerosis, smallpox.

АННОТАЦИЯ

На этом статье написанно лекроственные свойство унаби а также вредители услови на южны регионе Узбекистана меры борьбы сними.

Мақолада Ўзбекистоннинг жанубий вилоятида жилон жийда (унаби)нинг ўсимликнинг дориворлик хусусиятлари, унинг зараркунандаси қарши кураш чоралари баён этилган.

Калит сўзлар. Жумрутдошлар, челен, аннаб жийда, чечан, rutin моддаси, гипертоник, қон томирларини кенгайтиради, қиём, вирусларни, антисептис, каротин, атероксклероз, чечак.

КИРИШ

Чилон жийда жумрутдошлар оиласига мансуб бўлиб ер юзида 40 дан ортиқ тури мавжуд. Чилон жиойданинг ватани Хитой бўлиб 4 минг йил олдин маданийлаштирилиб ўстира бошланган. Серқуёш Ўзбекистонимизда чилон жийда X- асрнинг ўрталарида ўстирила бошланди. Адабиёт маълумотларидан бизга маълумки қадимда челен, чилон, аннаб, жийда дечан, номлари билан аталган. Тиббиёт илмининг асосчиларидан бири бўлган улуғ бобомиз Ибн Сино ўзининг „ Тиб қонунлари” асарида чилон жийда, унаби, тўрисида шундай ёзган мавасининг таркибида (20-28% шакар) rutin моддалар кўп бўлгани сабабли у қон босими ошган кишилар (гипертониклар) учун жуда фойдали чунки бу витамин қон томирларини кенгайтиради уларнинг деворларини мустаҳкамлайди. Соха мутахасисларининг берган маълумотларига қараганда rutin, чилон жийданинг фақат мевасида эмас балки баргида, гулида ва пўстлоғида ҳам бўлади. Чилон жийда меваси ҳўл

ҳолда, қуритилган ва қайта ишланган ҳолда истемол қилинади. Айниқса чилон жийда меваси шакар қиёмида қайта ишланиб қуритилиб истемол қилингани ноёб ҳисобланади. Юртимизнинг сувли ерларида экилган чилон жийда кўчатлари яхши кўкариб тўрт беш йилда ҳосил беради. Ўзбекистонда чилон жийда бошқа меваларга қараганда кеч гуллаши билан фарқ қилади, улар 15-20 майдан



УНАБИ МЕВАСИ

гуллайди. Чилон жийда ўсимлиги ўзидан шундай ҳид чиқарадики шу сабабли атрофда вирусларга қарши таъсири кучли-шундан келиб чиқган ҳолда ҳар бир инсон ўз ҳовлисида бир икки дона кўчатини экса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чилон жийда доналарининг униб чиқиши иссиқ харорат лозим. Бунинг учун уруғ экилишидан 15-20 кун олдин харорати 20-25 даражали жойга ўтказилади. Уруғ экишнинг энг оптимал вақти февралнинг охири март ойининг биринчин иккинчи декадаси ҳисобланади. Май ойининг иккинчи бешинчи декадасида пайвандуст яшил новдаларнинг узунлиги 15-20 см бўлиб тўрт бешта куртак пайдо бўлгач, бир йиллик пайвандтаглар яшил куртак билан пайванд қиланади. Ўзбекистонда чилонжийданинг икки хил нави мавжуд. Бири худди маржондек дум-думалоқ шаклда бўлиб, Хоразмда уни анноб жийда дейишади. Ушбу дарахтнинг ниналаридан қизчаларнинг қулоғига зирак тақиш учун тешилганида ундан фойдаланишади. Чунки антисептик хусусиятга эга. Иккинчи тури эса «унаби» деб аталади. У нок шаклига ўхшайди, узунчоқ бўлади. Ҳар иккиси ҳам шифобахш бўлиб, ўзига хос чиройли, барглари ялтироқ, гуллаганда ўзгача ифори ва гўзаллиги билан дилларни яйратади. Чилонжийда далаю боғларда ўсади.

ШИФОБАХШЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Чилон жийда (аннаб жийда) жумрутдошлар оиласига мансуб бўлиб бўйи 25 м га етадиган дарахт ёш новдалари тукли эски новдалари туксиз бўлади. Жилон жийданинг кенг тарқалган жойлари Хитой, Ҳиндистон, Сурхондарё вилоятидаги Сангардак ва Тўпаланг дарёсининг тоғ ёнбағрларида ўсади, мевалари шифобахшлиги билан танилган. Унинг таркибида (30% га қадар) оқсил, мой, котехинлар, пектин, кумарин, ошловчи моддалар, флавоноидлар, рутин, витамин С, В, каротин, органик кислоталар бор. Чилон жийданинг шифобахшлиги қадим замонлардан бери маълумдир ҳозирда табобатда чилон жийда

дармон бағишловчи, сийдик хайдовчи, қон босимини пасайтирувчи, балғам кўчирувчи сифатида қўлланиб келмоқда.



УНАБИ МАХСУЛОТИЛАРИ

Мевасида 40-60 фоиз қанд, 3 фоиз оқсил, органик кислоталар, С витамини, ошловчи моддалар, каротин, баргида алкалоидлар, флавоитлар ва бошқа моддалар мавжуд. Аллома Ибн Сино чилон жийда мевасини кўкрак оғриғи, ўпка, буйрак ва сийдик пуфаги касалликларини даволаш учун ишлатган. Шифобахшлиги билан инсонлар эътиборини тортган бу неъмат— тана аъзоларининг тонусини кўтарувчи, сийдик хайдовчи, балғам кўчирувчи малҳам сифатида қўлланилади. Шунингдек, гипертония ва атеросклероз касалликларида ишлатилади. Чилонжийда мевасидан тайёрланган дамлама халқ табобатида кўкрак оғриғи, йўтал, чечак, камқонлик ва ич кетиш касалликларида оғриқ қолдирувчи ва қон тўхтатувчи малҳам сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: Қапқоқи зич ёпиладиган идишга бир стакан қайноқ сув ва 20 гр майдаланган мевадан солиб, 1 соатга дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб ўтқазилади. Кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин икки ош қошиқдан ичилади. Табобат оламининг буюк табиби Ибн Сино ўз асари бўлган „Тиб қонунлари“ да шундай деган дармон бағишловчи, сийдик, хайдовчи, қон босимини пасайтирувчи балғам кўчирувчи омил сифатида қўлланилган. Шифокор И. Фозилов қизиқарли маълумот беради чилон жийда барглари тозалаб усига шакар қўшиб 5 кун давомида истемол қилинса бадандаги қичималардан ҳоли бўлинар экан. Ушбу ўсимликнинг мевасидан сийдик хайдаш мойли эмульсиялар тайёрлашда эмульгаторлик вазифасини ўтайди. Ўзбекистонда чилонжийданинг икки хил нави мавжуд. Бири худди маржондек дум-думалоқ шаклда бўлиб, Хоразмда уни анноб жийда дейишади. Ушбу дарахтнинг ниналаридан қизчаларнинг қулоғига зирак тақиш учун тешилганида ундан фойдаланишади. Чунки антисептик хусусиятга эга. Иккинчи тури эса «унаби» деб аталади. У нок шаклига ўхшайди, узунчоқ бўлади. Ҳар иккиси ҳам шифобахш бўлиб, ўзига хос чиройли, барглари ялтироқ, гуллаганда ўзгача ифори ва гўзаллиги билан дилларни яйратади. Чилонжийда далаю боғларда ўсади. У жуда шифобахш. Мевасида 40-60 фойиз қанд, 3 фойиз оқсил, органик кислоталар, С витамини, ошловчи моддалар, каротин, баргида алкалоидлар, флавоитлар ва бошқа моддалар мавжуд. Аллома Ибн Сино чилонжийда мевасини кўкрак оғриғи, ўпка, буйрак ва сийдик пуфаги касалликларини

даволаш учун ишлатган. Шифобахшлиги билан инсонлар эътиборини тортган бу неъмат-тана аъзоларининг тонусини кўтарувчи, сийдик ҳайдовчи, балғам кўчирувчи малҳам сифатида қўлланилади. Шунингдек, гипертония ва атеросклероз касалликларида ишлатилади. Чилонжийда мевасидан тайёрланган дамлама халқ табобатида кўкрак оғриғи, йўтал, чечак, камқонлик ва ич кетиш касалликларида оғриқ қолдирувчи ва қон тўхтатувчи малҳам сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: Қапқоқи зич ёпиладиган идишга бир стакан қайноқ сув ва 20 гр майдаланган мевадан солиб, 1 соатга дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузиб ўтказилади. Кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин икки ош қошиқдан ичилади.

ЧИЛОН ЖИЙДА ЎСИМЛИГИНИНГ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

Барча маданий ва ёввойи ўсимликларнинг ўз зараркунандалари ва касалликлари бор. Унаби пашшаси Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида хавfli зараркунанда болиб кейинги йилларда кенг тарқалаган. Бу зараркунанда унаби хосилининг 80-85 % зарар келтиради. Арриво 25% лик 0.16-0.32 литрга 3 марта ишлов берилади ва ишлов 20-25- кун кутилади. Унаби пашшасининг авжи учган даврда (15-25 июнь) биринчи марта кимёвий ишлов берилади, иккинчи марта 5-6 кундн сўнг яна пуркаш такрорланади. Пуркашда унаби мева пашшаси қарши дарахтларда мева тугунчалари бўлганда 5 та ва ундан кўп мева пашшасининг қуртлари капалаги бўлса Омайт унаби пашшасга қарши 1.5-3.0 литрга. Бу преапрат (омайт) Ўзбекистонда 8 хил ўсимликнинг зараркунандаларига ишлатилади шу билан бирга омайт асалари ва бошқа фойдали хашоратларга нисбатан зарарлидир. Унаби мева пашшаси (Сарпомие вес весувиона А.Соста) Унаби-пашшаси асосан меваларни қаттиқ зарарлайди унинг личинкаси меванинг этли қисми меванинг данак атрофини айласига ейди натижада мева буришиб қўнғир тусга киради ва тўкилиб кетади. Сохта пилла шаклида кузтувларга қарганда зарарланган дарахтнинг танаси атрофида тупроқда қишлайди. Унаби пашшасининг фенологиясига қараганимизда кузатувларимиз шуни кўрсатдики пашшанинг учиб чиқиши майнинг учинчи ва июннинг биринчи декадасидага тўғри келади. Бу вақтда унаби дарахти гулдан чиқиб, мева тугунчалари ҳосил қилади. Июлнинг биринчи ўн кунлигида хашорат унаби мевасига тухум қўяди. Сурхондарё вилоятида июлнинг биринчи ўн кунлигида тухум қўяди. Битта урғочи пашша қўйган тухум 39-50 тага етади.



Тухумдан чиқган личинкалари мева эти билан озиқланади. Кузатувларимиз мевалар ривожланишдан тўхтайтиди муддатидан олдин унаби меваси жигарранг тусга лиради ва тўкилиб кетади. Мева ичидаги личинкалар озиқланиб вияга етгач, мевадан тупроққа ўтади ва ғумбакка айланади.

КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Дархтлар атрофидаги тупроқ 25-35 см чуқурликда ағдарилиб чопилади. Тўкилган мевалар терб олинади ва йўқотилади. Пашшанинг авжи учган даврида (15-20 июнь) биринчи марта кимёвий ишлов берилади 5-6 кундан сўнг пуркаш такрорланади. Унаби дарахти танаси ва илдиз бўғзи атрофи хўлланади. Пуркаш олма қуртига қарши тавсия этилади препаратлардан бири қўлланилади.

ТАДҚИҚОТ ОБЕКТИ ВА УСЛУБИЯТИ

Академик Махмуд Мирзаев номли Ўзбекистон боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг Денов тажриба хўжалигида чилон жийда ўсимлигининг шифобахшлик хусусияти ва зараркунандалари ўрганилди. Ўзбекистоннинг жанубий тупроқ иқлим шароитига субтропик мевалар етиштириш учун қулай ҳисобланади. Сурхондарё вилоятининг шимолий зонасидаги туманлар тоғли ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган болиб бу ерларда тупроқ шорланиши кузатилмаган тупроқ унумдорлиги эса юқори ҳисобланади. Шимолий ҳудудларда яни Денов, Узун, Олтинсой ва Шўрчи туманларида суптропик мевалар етиштириладишулар билан бирга шифобахш доривор ўсимлиги чилон жийда (унаби) ҳам яхши ҳосил беради. Бу доривор ўсимлик чилон жийда тупроқ унумдорлиги ва РН- эритмаси 6.5-7.5 % болганда яхши ҳосил беради. Олиб борилган кузатувлар ва ҳудудидан Челан жийда баргларида намуналар манба бўлиб хизмат қилади. Гербарий намуналарини жилон жийда дарахтларининг вегетация даврида амалга оширилади. Чилон жийда дарахтининг зарарланган мевасидан пўстлогидан баргларида илдиздан намуналар олиниб лаборатория шароитида Н.А.Наимов (1937) Н.А.Наимов В.Е.Козлов (1954) ва (Жумаев Эшматов Бердиев 1998) ўтказилган тадқиқотлар ва бошқалр томонидан яратилган методлар асосида Ўзбекистан усимликларни химоя қилиш илмий текшириш институтида таҳлил қилинди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Жилон жийда дарахтининг асосий зараркунандаси Унаби мева пашшаси ҳисобланади. Унаби дарахтининг барги озидан антисептик ҳид чиқарганлиги учун айрим зараркунандалардан ҳолидир. Чилон жийда етиштириш соҳасини кенгайтириш яни плантацияларни яратиш. Халқимизнинг соғлигини мустаҳкамлашда жилон жийданинг шифобахшлигидан фойдаланишимиз керак. Доривор осимликларнинг зарарли организмлардан илгор технологиялар асосида химоя қилишимиз керак. Келажақда ёш иқтидорли талабаларимиздам танлаб жилон жийда осимлигининг касалликка ва зараркунандаларга чидамли навлар яратишда илмий ишларни қилинганда мақсадга мувофиқ болар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ 4670 сонли қарори Озбекистонда доривор осимликларни муҳофаза қилиш уларни шплантацияарини ташкил этиш.
2. Муродхаев Й.М Ўзбекистонда ватан топган доривор усимликлар.
3. Хожаев Ш.Т (Инсектитсид акартсид биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент Кони-Нур 2004.
4. Ш.Т.Хожаев Ўсимликларни зараркунандаларидан уйгунлашган холда химоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. Тошкент 2001